

МУТАХАССИС  
ИЗОҲИ:  
ЖИНОЯТ  
КОДЕКСИДА  
МУАММО БОР...  
ЕЧИМ-ЧИ?



2-бет

КИМЛАР  
НАВБАТСИЗ  
ЧИПТА ОЛИШИ  
МУМКИН?



3 бет

“ҲОКИМНИНГ  
ХОЛАСИ”ГА ҲУКМ  
ЎҚИЛДИ



4-бет

ХУСУСИЙ  
АМАЛИЁТ БИЛАН  
ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
НОТАРИУСЛАР  
ИШ БОШЛАШДИ



6-бет



# ИНСОН ҚОНУН

19 май 2020 йил / № 15 (1219)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

**MADAD**  
Huquqiy maslahat byurosi

**Ҳуқуқий мадад**  
ҳаммага,  
ҳар доим,  
ҳамма жойда!

3-бет

## ОЛИГАРХНИНГ ИҚРОРИ

БАРЧА ШИФОКОР ВА ҲАМШИРАЛАРГА

Чангалимда қайнарди шўрва,  
Гоҳо тушлик хорижда эди...  
Бир оёғим Лондонда турса  
Битта қўлим Парижда эди.

Телетасвир ўртайдди ваҳм  
Бутун дунё термулар ожиз.  
Шифохона йўлагида жим,  
Ҳолдан тойиб йиқилар бир қиз...

Бир гап билан олардим узиб,  
Дунёни тик этган банкларни.  
Гоҳ ҳовлимга қўярдим тизиб  
Самолёту ҳатто танкларни.

Илк бор қўрқдим қалбим оҳидан  
Тургин, олам тортмоқда хира.  
Ернинг барча Олигархидан  
Қудратлисан, ўзинг ҳамшира!

Қўлим етиб юлдузгача то  
Ерда йўқни ўйндирар эдим.  
Тоғ гов турса йўлимда ҳатто  
Қоқ белидан синдирар эдим.

Дунё хаста... Фаришта дўхтир  
Ижро этар Оллоҳ амрини.  
Оч ажалнинг чангалидан у  
Тортиб олар Инсон умрини!

Бироқ даврон эканку бир пул  
Оллоҳ олис кетса ўйиндан...  
Бир-бирдан қўрқар икки қўл,  
Чиколмайман бугун уйимдан.

Бир зарб билан уйғотди тақдир,  
Сизга таъзим! Илк бор тўқилдим —  
Ҳамшира қиз, Фаришта дўхтир  
Қаршингизда етти буқилдим!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Дунё сизни тан олди,  
омон бўлинг!

## “Гапга кўнмайдиган” ВИЖДОНЛИ НОТАРИУС...

### Уни танидингизми?

Ўз умрини нотариат соҳасига бағишлаб, 45 йилдан ортиқ нотариус бўлиб ишлаб келаётган Карим Қодиров табарруқ 75 ёшни қаршилади.

Карим акани ҳамма бирдек ҳурмат қилади, эъзозлайди. Ҳамиша бирон иш юзасидан маслаҳатини олишга шошилади. Жумладан, музработлик меҳнат фахрийси Равшан Омонтурдиев Карим акани: — “Ўз ишига пухта, қонунга маҳкам ёпишиб олган, “муомалага”, “гапга” кўнмайдиган, гапни айлантисангиз жеркиб ташлайдиган ҳалол инсон. Тўғрилиги учун ҳам узоқ йиллардан буён ҳалол ишлаб юрибди-да, дунё изидан қувганида халқ суярмиди, обрўси қолармиди?”, — деб таърифлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Карим Қодиров камтар, тўғрисиёз, адолатпарвар, ўз касбига фидойи, бу инсон дангилла-ма ҳовли-жой қурмади, автомашина олиш пайида бўлмади, қонунбузарлар-

ни асло ёнига йўлатмади, ор-номусни ҳар нарсадан устун билди. Инсоф-динатни асло унутмади. Аслида ҳар бир касбда мана шундай фидойи инсонлар бор экан, бутун соҳага инсонлар ишонч ва ҳурмат билан қарайди. Шундай инсонлар корхонанинг имиджини яратди, аслида.

Карим Қодиров фаолиятини 1969-1975 йилларда суд тизимида адолатнинг собитқадамлигига, қонун устуворлигининг барқарорлигига муносиб улушини қўшиш билан биргалиқда, 1975 йилдан то ҳозирги кунга қадар бир соҳада Музработ туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Карим Саломович тиниб-тинчиманган, ўз касбини жон-дилидан севадиган устоз. У киши ёш ҳуқуқшуносларга ўзининг бор билим ва тажрибасини баҳам қўриш билан чекланмасдан, уларга доимий равишда ибрат кўрсатиб, ўрناк бўлиб, қўллаб ёшларга устозлик қилиб келмоқда.



Карим ҚОДИРОВ,  
нотариус

Карим аканинг камтарона хизматлари муносиб баҳоланиб, “Шухрат” медали ва “Ўзбекистон Конституция-сига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирланди.

6 нафар фарзанди, 17 нафар невараси ардоғида умргузаронлик қилаётган Карим ака ҳозир ҳам чарчоқ нималигини билмайди, ҳамшиша соғлом ва тетик кўринади. Балки ҳалолу пок, виждонли инсоннинг асли гўзал “қисмати” ҳам шудир.

Шогирдлар ва ҳамкасблар номидан устоз Карим ака Саломовичга доимо соғлиқ-саломатлик, куч-қувват, оилавий бахт тилаб қоламиз.

Қоржов ЧОРИЕВ,  
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

## АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ:

ҲАР бир адлия ходими иш фаолиятида “фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак”, деган тамойилга қатъий ва оғишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари “камтар бўлиб, халқимиз олдида қўли кўксига бўлиб хизмат қилиши лозим.

Худудий адлия органлари раҳбарлари “туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз” тамойилига қатъий риоя этиши ва уни амалда рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.

5-бет

**ЖИНОЯТ** кодексидан инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб ҳуқуқий нормалар мавжуд. Бироқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва суд-ҳуқуқ ислохотлари йўлидан бораётган мамлакатнинг ҳамма қонунлари каби жиноят қонунчилиги ҳам доимо такомиллашиб бориши лозим.

#### МУАММО:

Жиноят кодексининг "Жиноятда иштирокчилик" назарда тутилган қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келмоқда. Жумладан, Жиноят кодексининг "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси", деб номланувчи VIII-бўлими "Бир гуруҳ шахслар", деган тушунча билан тўлдириш лозим. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, бу амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Ушбу бўлимда "бир гуруҳ шахслар" тушунчасини бериш лозимлиги Жиноят кодексининг Махсус қисми деярли кўпгина моддаларининг оғирлаштирувчи қисмида, "бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб" жиноят содир этиш ҳолати назарда тутилган.

Аммо унинг тушунчасини Жиноят кодексининг VII бобидаги "Жиноятда иштирокчилик" назарда тутилган умумий қоидаларида ёритилмаган. Бу ҳолат эса ушбу тушунчаларни турлича талқин қилишга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Махсус қисмининг кўпгина моддаларининг жазони оғирлаштирувчи қисмларида "уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб" содир қилинса, деган банди ҳам мавжуд бўлиб, ушбу бандлар бир-бирдан фарқ қилади.

Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмида "уюшган гуруҳга" тушунча берилган, аммо "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси ёритиб берилмаган. Бундай ҳолат эса ушбу тушунчаларни турлича талқин қилишга ва жазо тайинлашда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда.

**ЕЧИМ:** Бу муаммонинг ечими, юқоридаги тушунчаларни тўғри талқин қилиш мақсадида Жиноят кодексининг "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси", деб номланувчи VIII-бўлимига "бир гуруҳ шахслар" тушунчасини беришни тақлиф қиламиз, яъни "бир гуруҳ шахслар — икки ёки ундан ортиқ бажарувчининг олдидан тил бириктириб, қасддан жиноий фаолият олиб бориши бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топилади", деган тушунчани киритиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, юқоридаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида Олий суднинг "Иштирокчиликда содир этилган жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Пўленум қарори қабул қилиниши

# МУТАХАССИС ИЗОҲИ:

## Жиноят кодексидан муаммо бор... Ечим-чи?

Бизнинг ушбу тақлифларимиз, ўз навбатида, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга ва суд амалиёти самардорлигини оширишга хизмат қилади.



**Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмида "уюшган гуруҳ"га тушунча берилган, аммо "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси ёритиб берилмаган.**

ижтимоий зарурат сифатида қаралиши керак ва ушбу қарорда иштирокчиликка доир барча қоидаларни ўзида мужассамлаштирган тушунтиришлар, жазо тайинлаш юзасидаги масалалар ҳам ўз аксини топиши лозим.

#### МУАММО:

Жиноят кодекси 27-моддасидаги "Жиноятда иштирокчилик тушунчаси" назарда тутилган моддани янги тахрирда бериш лозим.

Чунки Жиноят кодексидан қонун чиқарувчи икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштирокчилигида фақат ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ шахс қатнашини тушунадилар (ҳатто айрим ҳуқуқшунослар ҳам). Бунинг сабаби жиноятда қатнашаётган икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлиши Жиноят кодексидан эмас, балки жиноят ҳуқуқи фанида ўргатилади.

Бундан ташқари, амалиётда айрим амалиёт ходимлари муайян жиноятни бири субъект ёшига етган, иккинчиси жиноятни субъект ёшига етмаган шахслар томонидан биргалашиб содир этган ҳолларни ҳам бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинган, деб жавобгар қилмоқда. Бундай ҳолат асоссиз равишда жиноятни квалификация қилишни ўзгартириб юбормоқда ва адолатсиз жазо тайинлашга сабаб бўлмоқда.

Амалдаги жиноят қонунининг мазмунига кўра, жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб баҳолаш учун иштирокчилар икки ақли расо шахс ва ўша жиноят учун жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлиши керак.

#### ЕЧИМ:

Бизнинг назаримизда, айрим судларда йўл қўйилаётган бу хатоларни бартараф қилиш учун Жиноят кодексининг 27-моддасини: "Жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишида биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади", деб бериш лозим.

#### МУАММО:

Жиноят кодексининг 28-моддасида "Жиноятда иштирокчиларнинг турлари" берилган бўлиб, ушбу модданинг 2-қисмида бажарувчи таъриф берилган, яъни "Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи, деб топилади" берилган.

Ушбу моддага ҳам ўзгартириш ва қўшимча киритиш лозим. Модданинг 2-қисмига ўзгартириш киритишдан мақсад бажарувчи тушунчаси ҳам қонун чиқарувчи томонидан баъзи белгилари, жумладан, жиноятнинг субъекти ноаниқ ифодаланганлигидадир.

Ушбу моддани биринчи мартаба ўқиган шахс ёки ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлмаган шахслар 28-модданинг 2-қисмидаги "ушбу кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан"да деган тушунчани англамайди.

Чунки жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслар тушунчаси Жиноят кодексидан эмас, балки жиноят ҳуқуқи фанида ўргатилади. Бундан ташқари, ўтказилган тадқиқот натижалари иштирокчиликда содир этилган кўпгина жиноятларини 60 фоизи вояга етмаган шахс бажарувчи вазифасини бажарганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар жазо

тайинлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

#### Е

Иштирокчиликнинг турлари ҳақида сўз юритар эканмиз хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида иштирокчилик тушунчаси йўқ, аммо иштирокчилар, яъни турлари ҳақида сўз юритилгандир. Шу ўринда Германия, Франция, АҚШ, Польша Республикаси Жиноят кодексларида жиноятнинг иштирокчилари ҳақида сўз юритилади.

Ушбу қоидалар ГФР Жиноят кодексининг 25-27 § ларида, Франция жиноят кодексининг 121-4 ва 121-7-моддаларида, 18-моддаларида ўз аксини топган.

#### АҚШ қонунлар тўпламининг 18-бўлими 2-параграфда кўрсатилган бажарувчилар деб:

- АҚШга қарши тажовуз содир этса ёки унинг содир қилишига далолат қилиш, маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш билан ёрдам берса, ушбу жиноятга қизқиса ёхуд уни содир этилишини таъминласа;
- қасддан АҚШга қарши тажовуз, деб тан олинган ҳаракатларни содир этган шахс бажарувчи, деб ҳисобланади.

**ЕЧИМ:** Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида 28-модданинг иккинчи қисмини қуйидагича: "Жиноятни

бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу кодексга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки ақли норасо шахслардан ёхуд бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади, деб янги тахрирда бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### МУАММО:

Жиноят кодекси 28-моддаси 3-қисмида ташкилотчи тушунчасига таъриф берилган бўлиб, яъни "Жиноятга тайёргарлик қўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи, деб топилади".

Биз ушбу тушунчага ҳам ўзгартириш киритиб, янги тахрирда беришни тақлиф этамиз. Чунки амалдаги Жиноят кодексидан иштирокчиликнинг тури – ташкилотчи тушунчаси қонун чиқарувчи томонидан баъзи белгилари ноаниқ ифодаланган, ушбу моддада ташкилотчи тушунчаси фақатгина аниқ содир қилиниши мумкин бўлган ёки содир этилган жиноят учун раҳбар жавобгарликни ўз зиммасига олган, аммо жиноят содир этиш учун уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма тузиб, унга алоҳида шахсларни танлаган, ушбу гуруҳларнинг олдидан иш режасини умумий белгилаб олганлик учун жавобгарлик моҳияти кодексда белгиланмаган. Масалан, жиноий фаолият олиб бориш учун гуруҳ тузиб қўйилади, унга одамлар танлаб олинади, лекин ҳали жиноят содир қилиш режалаштирилмайдими ва содир қилинмайдими, ҳаттоки жиноятнинг қайси турини содир қилиш белгилаб олинмайдими. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг раҳбар ўзи хоҳлаган вақтда жиноятни содир этишни ташкил қилиши мумкин.

#### ЕЧИМ:

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида биз ушбу моддадаги 3-қисмини қуйидагича янги тахрирда беришни тақлиф этамиз: "Жиноятга тайёргарлик қўриш ва содир этишни ташкил этган ёхуд жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмага раҳбарлик қилган, аммо муайян жиноятни объектив томонини бича бажармаган шахс ташкилотчи, деб топилади".

Хулоса ўрнида айтганда, иштирокчиликда содир этилаётган жиноятлар, бир шахс томонидан содир этилаётган жиноятдан ижтимоий ҳафслигининг юқорилиги, жиноятчи шахсларнинг икки ёки ундан ортиқлиги ва етказилган зарарнинг кўплиги билан фарқ қилади.

Бизнинг ушбу тақлифларимиз, ўз навбатида, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга ва суд амалиёти самардорлигини оширишга хизмат қилади.

**Саломат НИЁЗОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия кафедраси профессор в.б., юридик фанлар номзоди



Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича зарур тушунтиришлар ва маслаҳатларни "Мадад"нинг [www.advice.uz](http://www.advice.uz) сайтидан олишингиз ёки саволларингизни телеграмдаги @Madadnnt\_botга йўллашингиз мумкин.

### Иш стажисиз ҳам пенсия олиш мумкинми?

— ҲОЗИРГИ кунда 60 ёшдан. Иш стажига эга эмасман. Пенсия олиш ҳуқуқим мавжудми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 107-сон қарорига мувофиқ ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир нафақалар тўлаши мумкин.

Бунда ёшга доир нафақа:

- эркаклар – 65 ёшга етганларида;
- аёллар – 60 ёшга етганларида;
- болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга – 55 ёшга етганларида тайинланади.

Иш стажига эга бўлмаган шахсга (болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналардан ташқари) ёшга доир нафақа меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлари, қариндошлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ уларни таъминлашга мажбур бўлган бошқа шахслар бўлмаган тақдирда тайинланади.

Саволга "Мадад" ННТнинг Мўйноқ туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Нурия БЕРДИНИЯЗОВА жавоб берди.

### "Ер солиғидан озод қилинамани?"

— БОҚУВЧИМИЗНИ йўқотганмиз. Ер солиғидан озод қилинамизми? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?

— Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар ер солиғидан озод қилинади.

Қонунчиликка кўра, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар жисмоний шахслардан олинган ер солиғидан озод қилинади.

Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир.

Мазкур имтиёз Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

Саволга "Мадад" ННТнинг масъул ходими Абдор ЭЪЗОЗХОНОВ жавоб берди.



### Пенсияга муддатидан олдин чиқишим мумкинми?

— ҲОЗИРДА 58 ёшдан. Ишлаётган корхонам тугатилганлиги муносабати билан ишсиз қолганман. Мен ушбу ёшимда ҳам ёшга доир пенсияга муддатидан олдин чиқишим мумкинми?

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз, деб эътироф этилган шахслар:

- эркаклар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажига камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стажига камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Саволга "Мадад" ННТнинг Навбахор туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Бунёд ХОЛМУРОДОВ жавоб берди.



### Кимлар навбатсиз чипта олиши мумкин?

— КИМЛАР темир йўл кассаларида навбатсиз чипта олишлари мумкин?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 109-сон қарорига кўра, қуйидаги шахслар навбатсиз чипта олишлари мумкин:

- Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уч даражадаги "Шон-шухрат", "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Соғлом авлод учун" орденлари ва "Шухрат" медали билан тақдирланган шахслар;
- уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар;
- Чернобиль АЭСда авария оқибатларини бартараф этиш ишларида қатнашган шахслар;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари;
- "Фахрий темирйўлчи" нишони билан тақдирланган шахслар.

Саволга "Мадад" ННТнинг бош мутахассиси Исролжон АБДИРАҲИМОВ жавоб берди.

### Қариндошлар бир ишхонада ишлаши ноқонунийми?

— МЕН 2 йилдан бери мактабда қоровул лавозимида ишлаб келаман ва мактаб директори сингелисининг турмуш ўртоғи бўламан. Ҳозирда мактаб директори қариндошлик алоқалари мавжудлиги сабабли мени ишдан бўшатмоқчи. Шу қанчалик асосли?

— Меҳнат кодексининг 79-моддасига кўра, ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истиснолар Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорида белгиланган.

Саволга "Мадад" ННТнинг Жиззах шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Р. ЮНУСОВ жавоб берди.



### Байрам куни ишлаш тартиби қандай?

— БАЙРАМ кунлари ходимларнинг ишга чиқиши мажбурийми?

— Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши бўйича ишга жалб этишга фақатгина жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

Дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдоридан ҳақ тўланади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

Саволга "Мадад" ННТ Хива шаҳар бош мутахассиси Даниёр РАМОНОВ жавоб берди.





## БЕРКИНБОЙГА имкон берилган эди Аммо...

1988 йилда Гулистон шаҳрида туғилган Беркин Отаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2017 йил 16 августдаги ҳукмига қўра, айбдор деб топилган эди. Аммо унга енгиллик берилиб жазодан озод қилинган эди. Б.Отаев шу куннинг эртасига синфдошлари З.Мансуров ва Ш.Ҳалимовлар билан учрашиб автомашиналар олди-сотдиси билан шуғулланиши юзасидан ўзаро шерикчиликка асосланган келишувга эришади.

Отаев олдиндан автомашиналар олди-сотдиси билан шуғулланганлиги, бозордаги нарх-навои яхши билганлиги боис, у бозордан автомашина сотиб олиб кейин қимматроқ нархда сотадиган, ўзида маблағ йўқлиги сабабли синфдошлари З.Мансуров ва Ш.Ҳалимовлар сотиб олинажак машиналарга пул бериб турадиган, фойдаси ўртада тенг тақсимланадиган шартга келишдилар. Бир йил давомида бир неча автомашиналар сотиб олишиб, уларни қимматроқ нархларда сотиб юрдилар ҳам.

Б.Отаев топаётган пулидан қоникмадими, бир йил олдин фибрибарлик жиноятини содир этиб, жазодан озод этилгани ҳам эсидан чиқиб, кўнглида яна қабихлик туйғуси "уйғонди". Синфдошларининг ишончига кирган Б.Отаев уларга жуда катта фойда келтирадиган иш топганилини, газ қўйиш шохобчасини сотиб олиш юзасидан режалари борлигини, бунинг учун Халқ банкдан катта миқдорда кредит расмийлаштириши кераклигини таъкидлаб, синфдошларидан 183 миллион сўм пул маблағини қўлга киритиб, ўз кўнглидаги ғаразли "иш"ларини бошлаб юборди.

Машинафуруш Гулистон, Жиззах, Тошкент шаҳарларида автомашиналар олди-сотдиси билан шуғулланиб юрвчи бир неча ўнлаб, аввалдан ўзига таниш бўлган фуқароларни чув туширди. Қандай қилиб дейсизми? Мана бундай!

Хуллас, Б.Отаев ўзига илгаридан таниш бўлган автомашиналар олди-сотдиси билан шуғулланувчи одамга қўнғироқ қилиб, "сотиладиган қанақа машинангиз бор ва нархи неча пул", деб сўрайди. Машина эгаси "Lacetti" бор, нархи 11.000 АҚШ доллари", дейди. Б.Отаев "мен сизга 5.000 АҚШ доллари бераман, қолган 6.000 АҚШ долларини икки ёки уч ойда бўлиб-бўлиб бераман", деб машинани қўлга киритади ва уни бозорда тезроқ сотилиши учун 8.000 ёки 9.000 АҚШ долларига сотиб юбориб, харидорга "ҳужжатини икки-уч ойда расмийлаштириб бераман", деб айтади.

Бозордан 2.000-3.000 АҚШ долларига арзон машина олган харидор икки-уч ой ҳам ўтади-ку, дея унинг шартига рози бўлади. Шундай қилиб, Б.Отаев бир йил ичида ўнлаб одамларга шу тарика машина сотиб, пулларни ўз жиғилдонига уради. "Captiva", "Lacetti", "Cobalt", "Nexia-1", "Nexia-2", "Matiz", "Tico" русумли автомашиналар, сотиб олган эгасига қачон расмийлаштиришини кутиб, ҳужжатсиз тайинли бирор жойга юролмай, ҳовлиларда "ТУР-СУНБОЙ" бўлди. Кутавериб тоқатлари тоқ бўлган машина сотганлар ҳам, олганлар ҳам Беркинбойни ҳа, деганда "думини" тутолмагач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилдилар. Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди ҳайъати мазкур жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи Б.Отаевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли, деб топди. Суд Б.Отаев иши бўйича барча жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар фойдасига 340.639.200 сўм миқдорда етказилган зарарларнинг ундирилишига ҳукм чиқариб, Б.Отаевни жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб ҳисоблаб, қўлланилган "қамок" эҳтиёт чораси аслича қолдирилиб, унга 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

**Иброҳим ҚОРАБОЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди судьяси,  
**Шухрат СУЯРОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

**АЗИМ** Тошкентда пайдо бўлган "қимнинг нима муаммоси бўлса, ҳокимнинг ҳожатбарор холаси ҳал қилиб бераётган эмиш", деган миш-мишлар икки-уч йил ичида урчиб кетди. Давлат ташиқлотларидан кўра, ҳокимнинг холасига илҳос қўйган лақма кимсалар топган-тутгани билан Саодат Хушвақтованинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) тузоғига бирин-кетин ўз оёқлари билан келиб туша бошлади.

Фибрибарлик жинояти бўйича рекорд даражасини ўрнатган Саодат хола ҳеч нарсадан тап тортмай, уларга арзон уй-жой олиб беришни ваъда қилар ва хизмат ҳақи учун айтган пулини қуртдай санаб оларди. Сўхбат аввалида олтимиш ёшдан ошган аёл ҳокимнинг холаси эканлигини жимжимадор оҳангда таъкидлашни асло унутмасди. Зотан, айнан мана шу икки оғиз сўзининг сеҳри унинг даромад манбаи эди-да.


"Ҳокимнинг холаси" 2018 йилнинг куз ойида навбатдаги фибриб қурбонларидан бири Жанна Сиддиқова билан машур Хитой ошохнасида танишиб қолади. Сўхбат давомида Саодат хола ўзини Тошкент шаҳар ҳокимиятида ишлаганини, эгасиз қолган уйлар билан шуғулланишини айтиб, керак бўлса, арзон уйлардан бирини олиб беришини писанда қилади. Жанна анчадан бери 2 хонали уйини тўрт хонали қилиш орзусида эди. Ҳамсуҳбатининг ишонч билан гапирганини ёки қўлидаги "Captiva" калитини ёхуд "сеҳрли сўз"нинг кучи таъсириданми олий маълумотли Жанна қандай қилиб фибрибарнинг ўлкасига айланганини ўзи ҳам сезмай қолади. Улар шу ернинг ўзида Шайхонтоҳур туманидаги қўп қаватли уйлардан 4 хонали уйнинг олди-бердисини 15 000 АҚШ доллари га ўзларича келишиб олади. Эртасига Ж.Сиддиқова айтилган манзилда Саодат холанинг қўлга 12 000 АҚШ долларини тутқазар экан, гўёки хушёрлик кўрсатаётгандек, қолган пулни уй калитини олганда беришини айтади. Табиийки, фибрибар хола одатдагидек уни хотиржам қилади ва мўмайгина пулни ўз эҳтиёжи учун сарфлайди.

## "Ҳокимнинг холаси"га ҳукм ўқилди

Аллақачон хавфли редевестив уновнига сазовор бўлган С.Хушвақтова, ҳатто ногиронларни алдаб, уларнинг ҳақиға хиёнат қилишдан ҳам тап тортмайди. У аввалига II-гурӯх ногирони Аваз Исроиловга "ҳокимнинг холаси эканлигини, шаҳар ҳокимиятида масул лавозимда ишлаганини айтиб унинг ишончига сазовор бўлади. Орадан кўп вақт ўтказмай эса айни кунларда ҳокимлик томонидан кам таъминланган ва ногиронлиги бор фуқароларга арзон уй-жой берилаётганлиги, агар истаса унга ҳам шундай уйлардан бирини олиб беришини айтиб, лоф уради. Содда Аваз ака фибриб бобида Афлотунга дарс берадиган аёлнинг найранглирига ишоради. Неча йиллар давомида яхши ниятлар билан мисқоллаб йиққан 10 000 АҚШ долларини С.Хушвақтовга қўшқўллаб бериб юборади. Орадан ойлар, йиллар ўтса-да, 4 хонали уйдан дарак бўлавермагач, А.Исроиловнинг кўнглига шубҳа оралайди. Саодат Хушвақтованинг ҳокимиятда ишлаганини ва ҳокимнинг холаси туғул, таниши ҳам эмаслигини билгангина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мурожаат қилади.

Атиги икки йил, яъни 2018-2019 йил оралиғида Саодат Хушвақтова 7 нафардан ортиқ фуқарони чув туширади. У пул топшини билса-да, тўри билан эгрининг фарқини билмаган кимсаларнинг мўмайгина пулини осонликча қўлга киритишнинг обдон ҳадисини олган эди. Фибрибар хола бошқаларнинг пешона тери эвазига дарёдай оқиб келаётган маблағ эвазига шохона ҳаёт кечирай, бу эса лақма одамларнинг ҳар ишга қодир "ҳокимнинг холаси"га илҳосини оширади.

Шу ўринда С.Хушвақтованинг бир қатор жинойи қилмишларини эслаб



ўтишни жоиз топдик. Суд томонидан 1993 йилда унга биринчи бор жинойи ишлари учун 13 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. 2019 йилга келиб фибрибар аёл 9 марта турли хил жиноятлари учун тегишли жинойи жавобгарликка тортилди ва ҳақли равишда хавфли рецидивист "унвони"га мушарраф бўлди.

2019 йилнинг сентябрь ойида жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди томонидан хавфли рецидивист Саодат Хушвақтовга Жиноят кодексининг бир қатор тегишли моддаларига асосан озодликдан маҳрум қилиш турли бонглик жазо тайинланиши ва 7 нафар жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида ҳукм чиқарилди.

Афсус билан қайд этиш лозимки, олтимишдан ошган онахон умрининг беш йилни фарзандлари ва неваралари даврасида эмас, панжара ортида ўтказиши жуда ачинарли хол. Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтсалар керак-да!

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

## Ор-номус учун ОҒЗАКИ БИТИМ. Кейин-чи?

**ЖИНОЯТ ишлари бўйича Навоий шаҳар судида қўрилган жиноят ишида бир аёлнинг қилмишига яраша ҳукм ўқилди.**

Бухоро вилоятининг Жондор туманида тутилган Гулнора Шодиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) адашадиган ёшда эмас, салкам 50 ёшга яқинлашиб қолган она, деган "зот"лардан.

У одам савдоси учун "ов"га чиқиб, эски таниши Замира исмли аёлдан "тикувчи" паролли билан гаплашиб, гўёки қизларнинг қадди-басти, размери билан қизикқандек бўлган. Кармандаги "Тошкент" кафесида Замира ёрдамида Сабина Раҳматова, Нодира Халилова ва Айгул Муродовалар билан учрашиб, танишиб, уларни Дубайга ўзи олиб бориб, даромадли иш топиб беришини, яшаш ва ишлашга яхши шароит қилиб беришини, БАА давлатига бориш учун барча харажатларини ўз зиммасига олишини айтиб, қарзларини узиш учун кейин "ишлаб" беришларини тушунтиради. Яъни, ҳар бир қиз унга бу "ғамхўрлиги" учун кейинчалик 6.000 АҚШ долларидан ишлаб бериши кераклигини тушунтириб, улар билан оғзаки битим ҳам тузиб олади.

Уларга чет элга бориш учун "қизил" паспорт олишга кетадиган харажатлари учун пул берган "одам савдогари" "Тошкент-Шаржа" авиарейси орқали учиб унинг С.Раҳматова ва Н.Халиповаларга электрон авиачипталар ҳамда чет давлатда чиқариш учун элчихона визаларини тайёрлаб беришга киришади.

Гулнора Шодиеванинг "Қизларни Дубайда шохона яшаш ҳақидаги эртақларимга осонгина ишонтиради..." деб ўйлаб, улар орқали мўмай даромад топиш ҳақида сураётган ширин хаёллари хом бўлиб, чиппакка чиқди.

Ўзга юртининг тошу тарозусини билмай туриб, орзуларга эрк берган қизлар пул учун ҳамма нарсани сотишга тайёр бўлган бу аёлдан дастлаб шубҳаланмадилар. Фибрибар аёлнинг "Қўлимда ишлаган қизларнинг барчаси тезда бо-йиб, машина ва уй сотиб олиб, роҳат-фароғатда яшайпти..." дея оғиз кўпиртириб айтган ёлғонларига ишониб, Гулноранинг тузоғига илинган қизлар хайриятки, тезгина эс-ҳушларини йиғиштириб олиб, ўзаро гаплашиб, бу аёл буларни сотиб юбориши мумкинлигини, одам савдоси жиноятини



содир этаётганлигини сезиб, унга нисбатан қонуний чора қўришлик учун ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилишди.


Шундан сўнг, улар тузган режалари билини қолмаслиги учун Г.Шодиеваннинг тақлифига биноан авиа чипталарини олиш учун Бухоро шаҳрига боришади. "Тошкент-Шаржа" йўналиши бўйича авиабилетни олгач, "Зиё файз" кафесидан овқатланиб чиққанларидан сўнг уларнинг ички ишлар идораси ходимлари тўхтатиб, Г.Шодиеваннинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди.

Судланувчи Г.Шодиева суд мажлисида айбига тўлиқ иқроорлик билдириб, учала қиз билан Замира исмли аёл орқали танишганлигини, уларни Дубай шаҳрига олиб беришини ҳамда бегона эркакларга сотиб, пул топшини режалаштирилганини айтиб, ўз ишидан чин кўнглидан пушаймонда эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида қайд этилган, инсонпарварлик принципининг жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузулиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ва етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги нормалар, унинг муқаддам судланмаганлигини, ёлғиз оналиги ва қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, яшаш жойидан ижобий таъсирлангани, оилавий шароитини ҳамда 2-гурӯх ногирони эканлигини инобатга олиб, Гулнора Шодиевага 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Пул топаман деб, ор ва номусни сотиб, юзи қора бўлган, аёлнинг она, деган улуг номга доғ тушириши қолди.

**Шухрат КАМОЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Навоий вилоят суди раиси ўринбосари,  
**Маруза ҲОСИЛОВА,**  
"Инсон ва қонун" мухбири



## ЙЎЛЛАР ТУЗУК... ЛЕКИН ШАРТНОМА БУЗУК...

САРИОСИЁ туманида фаолият олиб борадиган "ЙЎЛ ТАЪМИР ИНВЕСТ ҚУРИЛИШ" масъулияти чекланган жамияти туман ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва қайта қуриш ҳамда тумандаги ички хўжалик автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишларини олиб борган. Бироқ бир неча ойлардан буён Сарисийё туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси шартнома шартларини бузиб, МЧЖ томонидан амалга оширилган ишлар эъвазига тўланадиган тўловни пайсалга солади.

Бу ҳақда МЧЖ раҳбари Сарисийё туман адлия бўлими томонидан жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар давомида ўз мурожаатида маълум қилади.

Тадбиркор мурожаати ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам "ЙЎЛ ТАЪМИР ИНВЕСТ ҚУРИЛИШ" МЧЖ ва Сарисийё туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва қайта қуриш ҳамда тумандаги ички хўжалик автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун субпудрат шартномаси ва бошқа хизматлар учун тузилган шартнома шартлари бажарилмаганлиги, корхона МЧЖга 93 914 993 сўм кредиторлик қарзини шу кунгача тўламасдан келинганлиги аниқланди.

Адлия бўлими томонидан "ЙЎЛ ТАЪМИР ИНВЕСТ ҚУРИЛИШ" МЧЖ манфаатини кўзлаб, Сарисийё туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Суд ишни тақдим қилинган далиллар, тарафлар тушунтиришлари ва ишдаги бошқа ҳужжатлар асосида тўлиқ кўриб чиқиб, Сарисийё туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан "ЙЎЛ ТАЪМИР ИНВЕСТ ҚУРИЛИШ" МЧЖ ҳисоб рақамига 93 914 993 сўм асосий қарз, 1 878 299 сўм пеня тўловини ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Абдуғаффор ШАРИПОВ,  
Сарисийё туман адлия бўлими бошлиғи

**ХАТИРЧИ** туман Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Хушнуд Холмонов тумандаги Педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежидан ишлаб, иш берувчининг ташаббуси билан ўзи ҳамда яна 34 нафар коллеж ишчи-ходими билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига асосан бекор қилингани, бироқ иш берувчи томонидан бугунги кунга қадар уларга учинчи ойлик иш ҳақлари тўланмасдан келинаётганлигидан норози бўлган.

Хатирчи туман адлия бўлимига қилинган мурожаат ўрганилганда, улар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилингандан сўнг ўн кунлик муддат ичида Хатирчи тумани аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказида рўйхатда туриб, улар томонидан берилган маълумотнома коллежга тақдим қилинган бўлса-да, тегишли кунга қадар фуқароларга учинчи ойлик иш ҳақлари тўланмасдан келинаётганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 67-моддасига кўра технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони штати ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги 100-модда, иккинчи қисмининг, 1-бандида кўзда

## Шакл ўзгарди, ШАМОЙИЛ ЎША, ЎША...

тутилган ҳолатда меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар ва шу меҳнат органи берган маълумотномага биноан олдинги иш жойларидан учинчи ой учун ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасида ҳам мазкур тоифадаги фуқароларнинг ҳудди юқоридаги ҳуқуққа эга эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги "Мақтабга таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Хатирчи педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи қайта ташкил этилиб, Навоий педагогика коллежига айлантирилган.


Фуқаролик кодексининг 50-моддасида бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганда ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаририлганда, қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топириши ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтиши назарда тутилган.



Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига Навоий педагогика коллежидан мазкур таълим даргоҳининг 35 нафар ишчи-ходимига жами 21 миллион сўмлик ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан қарздорликни ундириб бериш тўғрисида киритилган даъво аризаси ижобий ҳал этилди.

Шерзод АБДУРАҲМОНОВ,  
Хатирчи туман адлия бўлими бошлиғи

## ТИКУВЧИНING 9 ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИ ҲИСОБГА ОЛИНМАДИ



ФУҚАРО С.Хайитова Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг қароридан норози бўлиб ҳамда иш стажини пенсия тайинлашда ҳисобга олинмишида амалий ёрдам сўраб, Наманган шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди.

Ўрганиш давомида маълум бўлишича, унинг меҳнат дафтарчасига 2007-2016 йилларда "Mushtariy International" LTD МЧЖ қўшма корхонасида тикувчи вазифасида ишлаганлиги қайд қилиниб, корхона томонидан ҳақиқатда мазкур йилларда ишлаганлиги тўғрисида маълумотлар тақдим этилган бўлса-да, пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг қарори билан фуқаро С.Хайитованиннг иш стажини ҳисобга олишда бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига

пул ўтказилмаганлиги важи билан пенсия тайинлашда инobatта олинмаган.

Фуқаронинг мурожаати бўлим ходимлари томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, унинг манфаатларини кўзлаб судга ариза киритилди.

Мазкур ариза Наманган шаҳар маъмурий суди томонидан кўриб чиқилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг 2020 йил 19 февралдаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилиб, пенсия жамғармаси бўлимига фуқаро С.Хайитовани 2007-2016 йилларда "Mushtariy International" LTD МЧЖ қўшма корхонасида ишлаган давридаги иш стажини пенсия тайинлашда инobatта олиш мажбурияти юкланди.

Орифжон ИБРАҲИМОВ,  
Наманган шаҳар адлия бўлими катта маслаҳатчиси

— ҚОНУН барчага баробар. Унга риоя қилмаганлар ким бўлишидан қатъи назар, жавоб бериши, жазога тортилиши муқаррар. Каттақўрғон туман адлия бўлими томонидан жорий йилнинг апрель ойида тумандаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда Халқ таълими бўлими ҳузурдаги Болаларни ижтимоий ҳимояси васийлик ва ҳомийлик комиссияси томонидан фуқароларга давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинаётганлиги юзасидан мониторинг ўтказилди.

Хусусан, Каттақўрғон туман Қушбеги маҳалласи, Хўжалар қишлоғида яшовчи фуқаро Д.Юсупова опаси Д.Юсупованиннг икки нафар вояга етмаган фарзандини ўз ҳомийлиги ва васийлигига олиш ҳақида туман ҳокими қарорини чиқариб беришни сўраб мурожаат қилган.

Мурожаат бўлимининг Болаларни ижтимоий ҳимояси васийлик ва ҳомийлик комиссияси котиби Х.Очиловга ижро учун берилган.

Фуқаро Д.Юсупованиннг мурожаати бўйича юритилган йиғма жилд ўрганилганда, комиссия томонидан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрдаги "Бюрократик тўсиқларни

## МАНСАБДОРЛАР нега жарима тўлади?



янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан талаб қилиниши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилишига йўл

Шунингдек, туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими ходимлари томонидан бир марталик нафақани расмийлаштиришда ҳам фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганлиги маълум бўлди. Хусусан, Каттақўрғон туман Муллақўрпа маҳалласида яшовчи фуқаро И.Раҳматуллаева вафот этган турмуш ўртоғини дафн этишга кетган харажатлари

учун бир марталик нафақа тўлаб беришни сўраб жамғармага мурожаат қилган. Аммо жамғарма фуқаро И.Раҳматуллаевадан Каттақўрғон туман Муллақўрпа маҳалласи томонидан 2020 йил 22 январь куни берилган "марҳум З.Раҳматуллаев 2020 йил 11 январь куни вафот этди. Марҳумни дафн маросимини рафиқаси И.Раҳматуллаева ўз ҳисобидан ўтказди" деган мазмундаги 9-сонли маълумотнома, ортиқча ҳужжат талаб қилинганлиги аниқланди.

Мониторинг натижаси бўйича фуқароларни сарсон қилиб, ортиқча ҳужжат талаб қилган туман Халқ таълими бўлими Болаларни ижтимоий ҳимояси васийлик ва ҳомийлик комиссияси котиби Х.Очилов ҳамда туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг 5 нафар ходимларига нисбатан ҳар бирига 669 000 сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилди.

Ўткир ҲАКИМОВ,  
Каттақўрғон туман адлия бўлими бошлиғи

**К**ЎПЧИЛИГИМИЗ жамият ҳаётида баъзи ҳуқуқ нормаларимизни бажаришда “нотариал фаолият”, “нотариус” каби тушунчаларга дуч келамиз. Баъзилар бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англасаларда, баъзиларимиз эса бу ҳақда унчалик ҳам тушунчага эга эмасмиз. Сўзимиз аввалида шу сўзларнинг қисқача изоҳини келтириб ўтмоқчимиз. Жумладан, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ва техник тусда хизмат кўрсатиш нотариал фаолият дейилади. Шунингдек, ўз навбатида, нотариус — нотариат соҳасида давлат функциясини бажарувчи шахс сифатида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ҳамдир. Шундай экан, айни дамда ушбу соҳада аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида юртимизда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

## Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар иш бошлашди

”

“Хабарингиз бўлса, 2020 йилнинг 1 май санасидан бошлаб мамлакатимизда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар иш бошлади. Айтиш мумкинки, Президентимизнинг бу соҳадаги Фармони нотариат тизимидаги айрим камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди”.



**Дилшод АШУРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Нотариал палатаси раиси:

## Аввалги хатолар ТАКРОРЛАНМАЙДИМИ?

— Фармонда қайд этилганидек, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб давлат нотариал идоралари босқичма-босқич хусусий типдаги нотариал тизимга айлантирилиши белгиланган эди. Шунга мувофиқ, жорий йил биринчи майдан Хоразм, Сирдарё, Андижон, Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларида хусусий нотариуслар фаолияти ташкил этилди. Қувонарлиси, ушбу механизмнинг амалиётга татбиқ этилиши орқали аҳолининг нотариал хизматларга бўлган талаби қондирилади. Бу соҳада эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Ортиқча бюрократия ва коррупция ҳолатларига тўла барҳам беришга хизмат қилади. Қолаверса, эндиликда нотариал идорада ортиқча навбат кутиш ҳолатлари барҳам топади. Чунки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг энг кам сони белгилаб

берилди, энг кўп сони эса аксинча чегараланмади. Бу эса ўз-ўзидан аҳолига тез, ишончли ва сифатли хизмат кўрсатишга хизмат қилади. Қолаверса, бундан буён фуқаролар ҳафтанинг исталган кунда нотариус хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан 2020 йил 14 январь куни “Нотариат тизими тубдан ислох қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Нотариат тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги, “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги ва бошқа қонуларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, улар орасида “Нотариат тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар алоҳида аҳамиятга эга. Боиси, хусусий нотариуслар фаолиятига оид нормалар қонун даражасида мустақамлаб кўйилди.

Унга кўра, янги Қонун билан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариусларнинг давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлди.

Шунингдек, давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга бўлади. Оворагарчилик, сарсонгарчилик ва коррупцияни юзага келтирувчи ҳолатларнинг олди олинади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, эндиликда барча нотариал ҳаракатларни ахборот тизими орқали онлайн тарзда мониторинг қилиш имкони яратилган. Бундан ташқари, фуқаро шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларидан фойдаланилади. Ҳар бир ҳужжатга такрорланмайдиган рақам бериш имконияти мавжуд. Тўлов автоматик тарзда ҳисобланади, коррупцияга йўл йўқ дегани бу. Энг муҳими, фуқароларни нотариус касбий мажбуриятларини бузиши натижасида етказиладиган зарардан муҳофаза қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тартиби белгиланган.

### ■ Нотариусга гувохларни сўроқ қилиш ҳуқуқи берилди

— “2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 2019 йил учун белгиланган Давлат дастурида нотариат тизимида ҳам бир қанча ислохотлар қилинди. Бу эса, ўз навбатида, қонун устуворлигини таъминлаш учун муҳим вазифа ҳисобланади. Давлат нотариал идораларининг нодавлат нотариал идорага ўтиши нотариусларни бирлаштирувчи ягона тизими бўлди, — дейди Сирдарё вилоятидаги Сирдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Барно Исломова. — Шунингдек, янгиликлардан яна бири нотариус мулкий ва мерос масалаларида низоларни судгача ҳал қилиш — медиатор вазифасини ҳам бажаради. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектининг тақдим этилган вақтини тасдиқлаши, судгача далилларни таъминлаш (гувохларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш ва гувохлантириш, экспертиза тайинлаш, интернетдаги фактларни тасдиқлаш) каби ваколатларга эга бўлди.

### ■ Ҳозирда хусусий нотариуслар қайси ҳудудларда мавжуд?

— Давлат нотариал идораларининг нотариусларига хусусий амалиёт билан шуғулланувчи ҳуқуқини берувчи лицензиялар уларнинг аризаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тўғридан-тўғри малака имтиҳонларисиз берилди. Бу эса Ҳукуматимизнинг давлат нотариал идораларида фаолият юритаётган нотариусларга бўлган ишончини намён қилди, — дейди Хоразм вилояти Урганч шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Барно Аvezова. — Шунга кўра, ҳозирда 719 нафар нотариусга хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш учун лицензия берилган. Шу-

лардан 227 нафари ўз ишини бошлаб юборган.

— Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус юридик шахс ташкил этмасдан ўз идорасига эга бўлади. Банк ҳисобварағи ва бошқа ҳисобварақлар очиши мумкин. Мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш, мажбуриятларни ўз зиммасига олиш, ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилиш, судда ўз номидан иштирок этиш ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳам ҳақли. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус нотариал фаолиятини амалга оширишда нотариуснинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тузиш шарт. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тузмасдан ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус давлат нотариал идорасининг нотариусидан фарқли ўлароқ ходимларни лавозимга тайинлаш ва озод этишда мустақилдир. Фақат қуйдагилар бундан мустасно:

— нотариус ёрдамчисини нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда тайинлайди;

— нотариус стажёрини ишга қабул қилиш нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси тавсиясига асосан ушбу бошқарма томонидан бириктирилган нотариус томонидан амалга оширилади. Нотариус стажёрини ишга қабул қилишни асосий равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, нодавлат нотариал идораларининг ташкил этилиши нотариуслар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириб бу билан нотариусларнинг хизмат кўрсатиш сифат кўрсаткичининг кўтарилиши ва тезлигининг ошишига сабаб бўлади. Бу билан фуқароларнинг нотариал идоралари нотариусларига бўлган ишончини ҳам мустақамлайди.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири



ДУНЁ халқлари Иккинчи жаҳон уруши даврида Фашизмнинг инсоният бошига келтирган чексиз қулфатлари ни яхши билади. Гитлер ва унинг сафдошлари томонидан содир этилган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қонхўрлик ва ёвузликлардан қўзланган ягона мақсад, дунёга мутлақ ҳукмронлик қилиш, бутун инсониятни манфур манфатлар қаршида тиз чўктиришдан иборат эди. Бу йўлда улар, ҳатто илоҳий кучлар ва сеҳру жодулардан ҳам фойдаланишга уриниб кўришди. Мана шундай телба го асосчиси, Гитлернинг энг ишончли ва яқин сафдошларидан бири саналган Генрих Гиммлер номи билан боғлиқ эканлигини кўпчилик ҳам билмаса керак.

## УЧИНЧИ РЕЙХНИНГ БОШ АФСУНГАРИ

Фашизм дунёга ҳукмронлик қилишнинг барча усулларини қўллаб кўрди

Уруш йиллари Совет ва Иттифоқчи армия орасида СС рейхсфюрери Генрих Гиммлернинг ўта махфий сейфи ҳақида турли гап-сўзлар юрди. Гитлер армиясининг капитуляцияси олдида унинг мустақкам сейфида сақланаётган махфий ҳужжатлар исзис гоийб бўлади. То бугунги кунга қадар Фашизм кирдиқорларига бевосита алоқадор бўлган ҳужжатларни излаб топиш борасидаги барча уринишлар ҳеч бир самара бермади.

Нацистлар партиясининг етакчиси ва урушнинг асосий ташкилотчиларидан бири саналган Гиммлер полиция ҳақида хавфсизлик хизмати кучларини бошқарди. Унинг штаб квартираси турли ёмон номлар билан танилган Вевельсбург қасрида жойлашган эди. Гиммлер 30-йилларнинг ўртасидаёқ қасрни эгаллаб, унинг энг чуқур ертўласига жуда оғир сейф жойлади. Бу ҳақда ҳеч бир кимса, ҳатто қаср комендантлари ҳам хабар топилмади. Бу улкан сейфда рейхсфюрер рейхнинг махфий ҳужжатларини сақлаган, деган тахминлар бор.

Америка армияси Вевельсбург қасрига биринчи бўлиб киришга шошилди эди, бир неча кундан кейин бу ерга сейфни очиб ва ичидаги барча ҳужжатларни қўлга киритиш учун махсус ҳарбий бўлим етиб келади. Шундан сўнг АҚШ разведкаси томонидан мазкур операция излари бутунлай ўчириб ташланади. Жумладан, унда қатнашган аскарлар рўйхати ва сейфда сақланиб келган барча материаллар буткул йўқ қилинди. Лекин бу ҳодисани тарихдан ўчириб ташлашнинг уйдасидан чиқа олишмади. СС рейхсфюрерининг сейфидаги махфий ҳужжатга бўлган қизиқлар ва унинг

атрофидаги турли гап-сўзлар йиллар давомида ошса ошдики, сўнай демади. Айрим маълумотларга кўра, Гиммлер қадимий Вевельсбург қасрининг ертўласида афсунгарлик илми бўйича тадқиқот олиб борган. Тадқиқот натижаларини эса барчадан сир сақлаган ҳолда темир сейфида сақлаб келган.

Айтишларича, Генрих Гиммлер ашаддий нацистлардан бўлиб, унинг фикру хаёлини СС аскарларини сеҳр-жоду воситасида "Энгиб бўлмас куч"га айлантиришдек телбанома мақсад бутунлай эгаллаб олган эди. Шу сабабли кўҳна қасрни турли афсунгарлик тадқиқотлари ва маросимлари ўтказиладиган ўзининг гоъвий мактабига айлантиради. Шунингдек, Фашистлар етакчисининг ақлдан озган сафдошида Вевельсбургни дунёнинг марказига айлантириш орзуси ҳам йўқ эмас эди. СС раҳбарига унинг сароб орзу-хаёллари ҳақида бирор бир маълумот етказишга ҳеч кимнинг ҳадди сизмасди. Гитлернинг шотирларидан ҳеч қайсиси "Вевельсбург жодугари" билан муносабатларини бузишни ҳам истамас эди-да. Гиммлернинг телбалиги эса борган сари ортиб борарди. Жумладан, у тез-тез қўл остидаги бош офицерларни махсус мажлислар залига йиғар ва сўроқ қилинаётган асирлар рўҳиятига таъбир ўтказиш учун медитация билан шуғулланишга мажбур қиларди. Америкаликлар томонидан йўқ қилинган Рейхсфюрернинг махфий сейфида нацистларнинг афсун дуолари ва ўтказилган "Ўлим маросимлари" сценарийси ҳам сақланган бўлиши мумкин, деган тахминлар йўқ эмас.

Яна бир бошқа тахминларга кўра, Гиммлер бежизга ўзининг жодугарлик мактаби учун Вевельсбург қасрини танламаган. Чунки маҳаллий халқ оғзаки ривоятда айтилишича, Вевельсбург ўрнида қачонлардир Рим ҳукмронлигига қарши кўзголон кўтарган ва озчилик аскарлар билан мутлақ галабага эришган қадимий Саксан империяси жойлашган экан. Қўлга киритилган галабада ерлик афсунгарлар-



нинг дуоси алоҳида аҳамият касб этган эмиш.

Умуман олганда, нацистлар қадимий герман тарихини ўзлари истаганича ясашга ва диний эътиқодларини янгилашга ҳаракат қилишарди. Вевельсбург маҳзабарастлари ўзлари яратган Фарб ва Шарк ўртасидаги азалий буюк кураш ҳақидаги уйдирмаларини немис аскарларининг миясига қуйишган эди.

Гиммлер ўз агентларини дунёнинг турли бурчакларига қадимий сеҳргарлик артефактларини қидириб топиш учун сафарбар қиларди. Шунингдек, СС армияси энгилмас қудратли бўлиши учун турли махсус маросимлар ташкиллаштиради ва қўл остидаги кишиларга қуёшга топини байрамларини нишонлашга буйроқ берарди. Рейхсфюрер учун оташпарастликми, бутпарастликми ёки бошқа диний қарашини фарқи йўқ, асосийси унинг мақсадидаги хизмат қилса бўлди эди.

Ўзининг қимматли сейфини олишга ҳам улгурмай қочишга уринган Генрих Гиммлер Британия армияси томонидан асир олинади. Америка армияси эса унинг сирли сейфини қўлга киритади. Гиммлер қамоқхонада ўз жонига қасд қилиб, ўлим топади. Унинг Вевельсбургни дунёнинг марказига айлантириш ҳақидаги орзуси ва Гитлер армиясини "Энгиб бўлмас армия" қилиш каби уринишлари хом хаёллигича қолиб кетди. Вевельсбург қасрига келсак, у бугунги кунда Ўлкашунослик музейи сифатида дунёнинг турли бурчагидан келган сайёҳларга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Гитлернинг шахсан ўзи бутун дунёга ҳукмронлик қилиш орзусини амалга оширишда сеҳр-жоду ва илоҳий кучларга алоҳида умид боғлаганини айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Жумладан, унинг афсонавий Шамбалани топиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва Тибетга сафарбар қилинган экспедицияси туб замирида айнан мана шу ғараз мақсад бор эди. Гитлер ва Гиммлер Тибет астрологлари билан маслаҳатлашмай туриб, бирорта муҳим ҳарбий ёки сиёсий қарор қабул қилмаганлиги ҳам уларнинг сеҳр-жодуга ўзгача эҳтиромидан далолат беради.

Рус тилидан "Инсон ва қонун" мухбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА таржимаси.  
Манба АиФ



КОРОНАВИРУС давлатимизга кириб келиши оқибатида Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб ўқувчилари учун қисқа муддатда онлайн дарслар ташкил қилинди.

## КАРАНТИН ДАВРИ: ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОЧИЛМАГАН ҚИРРАЛАРИНИ НАМОЁН ҚИЛДИ

Онлайн дарсларни ташкил этишдан мақсад масофадан туриб ўқувчиларга билим бериш, улар билимида бўшлиқ ҳосил бўлмаслигига эришишдан иборат эди. Ўқувчиларимиз олиб борилмаётган дарсларни диққат билан кузатиб, берилган вазибаларни қизиқиш билан бажармоқда. Чунки уларга вазибаларни бажаришда яқинлари, ота-оналари ёрдамлашмоқда.

Шу кунгача фарзандининг тарбиясини ўқитувчи ёмонлигига топшириб қўйган ота-оналаримиз боласи билан бирга дарс тайёрлашга мажбур бўлишди. Қўрдики, фарзандининг ўзлаштиришда юқори натижалар кузатилаётди: ўқув йилининг чораклари давомида паст ўзлаштирган боласи "4", "5" баҳолар олаётди.

"Ҳар қандай ёмонлиқнинг ортидан яхшилик, ҳар қандай зулмат ортида ёруғлик бор", деб бежизга айтишмаган халқимиз. Шундай тахликали, ташвишли кунларимиз болага бирёқлама эмас, балки икки томонлама эътибор берилса, албатта, яхши натижаларни қўлга киритиши мумкинлигини ота-оналаримизга эслатиб қўйди. Ота-оналар нафақат вазибаларини бирга тайёрлашди, ҳаттоки фарзандларининг қизиқишлари орзу-истаклари билан ҳам ўртоқлашди. Улар билан бирга турли техник воситалар ясаб, ролик сифатида ўқитувчилар жамоасига тақдим этишди.

Онлайн дарслар, карантин даври ўқувчиларининг очилмаган қирраларини намоён қилди. Келажақда ўқувчиларимиз орасида муҳандису кашфиётчилар, ижодкорлар санъаткорлар қилишига амин бўлди. Ўйлайманки, карантин тугагач, ота-оналар фарзандларига бўлган эътиборни сусайтирмайди ҳамда биргаликда дарс тайёрлаш жараёни давомий бўлади. Хулоса қилиб айтганда, фарзанд тарбиясига, билим олиш жараёнига икки томонлама масъулият билан ёндашиш яхши натижалар беришига ота-оналар ҳам амин бўдилар, деб ўйлайман.

Саёҳат ТОШМАТОВА,  
Яккасарой туманидаги 319-мактаб директори



ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИА ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz



Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқовлов Акбар Жўрабоевич  
Раёвиев Шерзод Мирхалипович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятта келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Мадина Ҳамдамова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5965  
Буюртма — V-4149

Топшириш вақти — 18:00  
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.

Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоуси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

# Дунёнинг

## митти мўъжизалари

ДУНЁ мўъжизаларга тўла. Атрофга қаранг, борлиқдаги ҳар бир мавжудот ўзига хос яратилган. Ҳатто, бир кишининг бармоқ изи иккинчи бир одамнинг бармоқ изини такрорламайди. Шуниси ҳам борки, ҳамма мўъжизани ўзича англайди. Кимгадир ноёб кўринган нарсалар, ким учундир оддийдек туюлиши мумкин. Аммо ҳаётда шундай митти жонотлар борки уларнинг ақли ва тиришқоқлигига, ҳатто олимлар ҳам тан берган. Бугун ана шундай митти мўъжизалар ҳақида сўз юртаимиз.

### Асаларилар бир кило асал йиғиш учун Ер шарини ўн марта айланиб чиқади

Асалари ҳашаротлар ичида озуқа учун гул шираси (нектар) йиғадиган ягона жонотдир. Асаларини кўпчилик фақат асал ишлаб чиқаради, деб ўйлайди. Аслида асал ишлаб чиқариш унинг вазифаларидан биридир. Бундан ташқари, у гулларни, ўсимликларни чанглатувчи ҳам ҳисобланади. Асаларининг иштирокисиз кўллаб ўсимликлар мева бермайди.

Асалари худди чумолига ўхшаб ижтимоий ҳашаротдир. Унинг тузилиши, иш фаолияти ва меҳнатининг маҳсули ақлни лол қолдирадиган даражададир.

Ҳайвонлардаги табиий сезги жуда мураккаб ҳолатдир. Лекин бу касбий эмас. Яъни, бу сезги ҳайвонларнинг ўз кучи, меҳнати эвазига шаклланган эмас, балки Аллох таоло тарафидан инъом этилган ҳолатдир.

Асалари бир томчи шира йиғиш мақсадида мингдан ортиқ гулларга кўнади. У гулга кўниб нектарни сўриб бўлгач, ўзидан бир белги қолдиради. Токи унинг шериклари ўша гулга кўниб, нектар излаб вақтлари кетмасин.

Асалари юз грамм нектар йиғиш учун миллионгача гулга кўнади. Бир килограмм асал тўплаш учун эса асалари тахминан бир неча юз минг километр масофани босиб ўтади. Бу эса Ер шарни атрофини тахминан ўн марта айланиб чиқишга тенгдир.

Юксиз асалари учаётган пайтда тезлиги соатига 65 километрга етади. Агар нектарни кўтариб олган бўлса, у ҳолда унинг тезлиги соатига 30 километрга пасаюди. Асалари олиб кетаётган нектарнинг оғирлиги танасининг учдан бирига тенг келади. Бу бир тонналик машина 300 килограммик юкни олиб кетаяпти, деганидир.

Асалари нектарни олиб, инига қайтар экан, йўлда нектарни асалга айлангириш бўйича ўта мураккаб кимёвий амалиётларни бажарар экан. Инига етиб боргач, қайта ишлов берилган маҳсулот яна қайта ишланиб, соф асал ҳолига келтирилади.

Баҳор келиб, гуллар қийғос очилган пайтларда нектар йиғувчи арилар ўзидаги юкни бошқа арига топшириб, яна дарҳол нектар йиғишга жўнаб кетар экан. Асаларилар орасида узокқа учолмайдиган заифлари бўлади. Улар меҳнатқаш дўстларининг йиққан нектарларини қабул қилиб олиб, инига етказар, уни инига олиб кириб, муносиб жойга жойлаштирар экан.



Асаларини кўпчилик фақат асал ишлаб чиқаради, деб ўйлайди. Аслида асал ишлаб чиқариш унинг вазифаларидан биридир. Бундан ташқари, у гулларни, ўсимликларни чанглатувчи ҳам ҳисобланади. Асаларининг иштирокисиз кўллаб ўсимликлар мева бермайди.

### Асаларилар оиласида ТАРТИБ-ИНТИЗОМ КУЧЛИ

си хизмат қилиш, маликанинг вазифаси тухум қўйишдир.

Аллох таоло асалариларни юксак даражада ўзаро ёрдамлашиб, тартибли, самарали меҳнат қилиб яшайдиган жамоа этиб яратди. Шунинг учун асаларилар жамоасида бузғунчилик, талафот етказиш, деган нарсалар кузатилмайди. Бу жамоа бир мақсад йўлида бирлашган, жипс жамоадир. Жамоа раҳбари бўлган малика асалари билан бирор масалада ҳеч ким тортишмайди. Жамоадаги ҳар бир асалари маликанинг маҳсуле моддасидан унинг шу ердалигини ҳис қилиб турадилар. Чунки ушбу моддани маҳсуле хизматчилар ҳар бир уяга етказиб турадилар.

Юқорида айтганимиздек, агар малика ўлса, уяда тартиб-интизом бузилиши содир бўлиб, бекорчилик тарқалади ва ишлар тўхтаб қолган. Баъзи пайтларда малика йўқ бўлса, ўрнига унинг ўринбосари ёки "валиаҳди" жамоани бошқариб туради.

Ургочи асаларилар жуда кўп вазифаларни бажарадилар. Уларнинг умрига, жисмоний тузилишига қараб иш тақсимланади. Улар орасида ёш аричаларга қарайдиган "энага"лар, "тарбиячи"лар, уяга сув ташиб

келадиган ургочилар, уяни ёз фаслига тайёрлайдиган, қишда уяни илтиқадиган, ин қуруқлаб қолса, намлантирадиган, уяни тозалайдиган, унинг деворларини маҳсуле моддалар билан ялтиратадиган арилар ҳам бўлади.

Шунингдек, уяни душмандан ҳимоя қиладиган қўриқчи арилар ҳам бўлиб, улар инига кирмокчи бўлган асаларидан махфий сўз (парол)ни сўрар эканлар. Агар айтса, уяга киришга рухсат берад, айтмаса, уни ўлдирар эканлар. Зарурат туғилган пайтда махфий сўз бошқасига алмаштирилар экан.

Аллох таоло юқоридаги оятда "Унда одамлар учун шифо бордир", деб марҳамат қилган.

Асалда шифо учун етмиш тўрттадан кўпроқ турдаги керакли моддалар бор.



Мутахассислар ўрганишига кўра, чумоли ўзига керакли бўлган дон ва уруғларни ер остига тўплаб, жамғарганидан кейин уни иккига бўлиб қўяди. Чунки дон ва уруғлик иккига бўлиб қўйилса, ҳар қанча ер унумдор бўлмасин, у ўсиб чиқмайди.

### ЧУМОЛИНИНГ АҚЛИ олимларни шошириб қўйди...

Лекин чумоли кашнич донини тўрт бўлакка бўлганини кўргач, олимлар таажжубга тушишди. Бу ҳусусда керакли тадқиқот олиб борилгач, қуйилганини кашф қилдилар:

кашнич дони агар иккига бўлинса ҳам ўсиб чиқаверар экан. Лекин тўрт бўлакка бўлинса, ўсиб чиқмас экан.

Олимлар чумоли ҳақида янгидан-янги илмий ҳақиқатларни кашф этмокдалар. Яқинда аниқланган илмий ҳақиқатлардан бирида айтилишича, чумолиларнинг ургочиси жамоани хавфдан огоҳлантирар экан. Улар бу вазифани бажариш асосида ўзидан овозли тебранишлар ва кимёвий моддалар чиқарар экан. Атрофдаги чумолилар бундан хавф яқинлашаётганини тушуниб, хавфсиз жойга қочишар экан. Куръони Қаримда бу ҳақиқатга ўн тўрт аср олдин ишора қилинган:

"Токи улар чумолилар водийсига келганларида, бир чумоли: "Эй чумолилар, масканларингга қиринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар", деди". (Чумолилар ҳам асалариларга ўхшаб, ажойиб интизомга эга. Хали-хануз уларнинг жамоат бўлиб яшашлари сирини аниқланган эмас. Бу оятда улар бир-бирларини хавф-хатардан огоҳ этишлари айтилмокда.) (Намл сураси, 18-оят).

Бу оятда хавфдан огоҳлантирувчи чумолининг феъли дейилиб, ушбу феъл муаннас (ургочи) шаклида келган. Мана шунинг ўзида шерикларини хавфдан огоҳ этувчи чумолининг ургочи бўлишига ишора бор.

Уламолар ушбу оятдан келиб чиқиб, чумолиларга хос бир неча хислатларни зикр қилганлар.

Чумоли хис қиладди, сезади, нимагадир улгуриб қолишга интилади, нидо қиладди, диққатни жалб этади, буюради, қайтаради, таъкидлайди, ниҳоят қиладди, сўзларини етказилади, баён қиладди, огоҳлантиради, хайдайди.

